

# THE IMPORTANCE OF IMPROVING THE QUALITY OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE PROVISION OF UTILITY SERVICES

**Sh.Kh.Mukhitdinov**

Independent researcher of the Karshi branch of TUIT

**N N Ibragimov**

Independent researcher of the Karshi branch of TUIT

## КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ш.Х.Мухитдинов**

ТАТУ Қарши филиали мустақил тадқиқотчisi

**Н.Н.Ибрагимов**

ТАТУ Қарши филиали мустақил тадқиқотчisi

Коммунал хизмат кўрсатиш фаолияти мураккаб жараёнли бўлганлиги учун ҳаётийлиги уларнинг объектга қанчалик мос келишига боғлиқ. Бунда ҳар бир жараёнга мураккаб тизим сифатида қаралади. Натижада ўзаро боғланган элементлардан ташкил топган жараёнларни, улар биргаликда иқтисодий жараённинг маълум хусусиятлари ва функцияларини юзага келтиради.

Тадқиқот объектларининг ҳолатини назорат қилишда, баҳолаш учун мавжуд тизимлар келажакдаги режалаштириш даврларини ҳисобга олишларга асосланади. Хизмат кўрсатиш корхоналарнинг фаолиятининг ўтган, ҳозирги ва келгуси даврларда прогноз қилинадиган сифат ва микдорий кўрсаткичларини ёритиш учун автоматлаштирилган ахборот тизимдан фойдаланилади.

Ахборот тизимидан фойдаланиш, қишлоқ жойларида коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш муаммоларини аниқлашга имкон берадиган маълумотларга, исботлашга асосланган бўлиши учун, маълумотларнинг ишончлилигининг муҳим хусусиятларини акс эттиради.

Коммунал хизматлар сифатини моделлаштириш моҳиятини талқин қилиш учун функционал кўринишда қуидагича кўрсаткич белгиларидан фойдаланамиз:

$$Au_t = f_1(t); \quad (2.3.1)$$

$$A_t = f_2(Au_t); \quad (2.3.2)$$

$$QA^{mr}_t = f_3(QA_t); \quad (2.3.3)$$

$$A^{hq}_t = f_4(t), h=1 \div n \quad (2.3.4)$$

Бу ерда:

$A_t - t$  йилдаги коммунал хизмат кўрсатиш билан шуғуланаётган кишилар сони, киши;

$Au_t - t$  йилдаги коммунал хизмат кўрсатиш билан шуғуланаётган кишилар сонининг ўсиши, киши;

$QA^{mr}_t - t$  йилдаги меҳнат ресурслари, киши;  $A^{hq}_t - t$  йилдаги туманнинг  $h$  – худудидаги хизматчилар сони, киши.

Бу усул хизмат кўрсатиш жараёнларининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ва прогнозлашда кенг қўлланилади. Негаки, бунда ривожланишдаги бош омиллар харакатларининг натижавий таъсирлари вақт омилида умумлаштирилган, деб қаралади.

Хозирги бозор муносабатлари шароитида Республикализ қишлоқ жойларда фаолият юритаётган коммунал хизмат кўрсатиш объектларига ҳам халқаро стандартларга мос келадиган таклифлар бериш талаб этилади. Бундай шароитда АКТ дан фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Чунки бозор шароитида:

биринчидан, таваккалчилик ва ноаниқлик элементлари мавжуд;

иккинчидан, ресурслар чегараланган;

учинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида рақобат мавжуд;

тўртинчиidan, иқтисодий кўрсаткичларнинг истиқболдаги ҳолатини олдиндан кўра билиш (прогноз) ва бошқалар.

Коммунал хизмат кўрсатишни АКТ дан фойдаланиб сифатини оширишнинг аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади:

-моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланилади;

-иқтисодий ва табиий жараёнларни таҳлил қилишда етакчи восита бўлиб хизмат килади;

-коммунал хизмат кўрсатишни объектларини ривожланишида прогнозлашни амалга ошириш вақтида айrim тузатишларни киритиш мумкин бўлади;

- коммунал хизмат кўрсатишни объектларини факат чукур таҳлил қилибгина қолмасдан, балки уларнинг ўрганилмаган янги қонуниятларини очишга имкони яратилади. Шунингдек, улар ёрдамида коммунал хизмат кўрсатишни объектларини келгусидаги ривожланишини олдиндан айтиб бериш мумкин бўлади;

-ҳисоблаш ишларини автоматлаштириш билан бирга, ақлий меҳнатни енгиллаштиради, коммунал хизмат кўрсатиш субъектлари меҳнатини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш имкони яратилади.

Сифатли хизмат кўрсатишнинг энг муҳим муаммоларидан бири бошқаришнинг паст даражаси эканлиги, хизмат кўрсатиш корхоналарини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида истеъмолчилар, бизнес ва давлатнинг ўзаро мувофиқлаштирилган муносабати туфайли хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида, муниципалитетнинг уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш зарур.

### **Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-Ж. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. –Б. 592.
2. Демидева Л. Сфера услуг: шменение динамики производительности /Мировая экономика и международные отношения, - 2006. - № 12. –С. 40-52.
3. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёининг айrim муаммолари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. –Б. 264.
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Услуга>.